



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2010 йил  
1 декабрь  
ЧОРШАНБА  
№ 95  
(12.315)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

2010 йил – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## ХАЛҚ ИРОДАСИНING ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон суверен демократик республика эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустақамловчи муҳим қондан бошланади. Хусусан, унинг 1-моддасида "Ўзбекистон суверен демократик республика" деб белгиланган.

Давлат суверенитети деганда – давлат ҳокимиятининг устуворлиги, унинг мамлакат ичкарисиди ҳам, халқро майдонда бошқа давлатларга нисбатан ҳам тўла мустақиллиги тушунилади.

Суверенитет – давлат ҳокимиятининг алоҳиди хусусияти бўлиш билан бир пайтда давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади.

Давлат ва халқ тушунчалари Конституциянинг жуда кўп моддаларида учрайдиган бир-биридан ажралмас эканлиги кўриниб туради.

Давлатимизнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини ҳимоялаш ва уларга хизмат қилишдир. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи – халқ. Инсон ва давлат ўртасиди муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак.

Асосий Қонунда фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсадан устувлиги тан олинган ва қонуний мустақамланган. Конституциянинг муҳим хусусиятларидан бири шунки, фуқаролар манфаатининг устувлиги нафақат расман эълон қилинган, балки кафолатланган. Масалан, Конституцияда Ўзбекистоннинг демократик давлат деб эълон қилинганлиги, яъни унда халқ ҳокимияти қўрилганлиги, демократиянинг умуминсоний тамойилларига асосланганлиги ва эркинликлар берилиши, уларнинг Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши ва ҳоказолар юқориди фикримизнинг далилидир.

Ҳар бир фуқаронинг давлат ҳимоясида эканлиги, барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жамят ва фуқаролар олдиди масул эканлиги ҳам Асосий Қонунда мустақамлаб қўйилган муҳим

қондалардан ҳисобланади. Шунингдек, бу қонуннинг амалга оширилиши бошқа жорий қонунларимиз билан ҳам таъминланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, ҳар бир фуқаро давлат органи, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (44-модда).

Республикамиз таракқиёт сари илгариланган бораватган мамлакатдир. Унинг ривожиди фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (44-модда).

Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари тўғрисидаги Қонунлар мазмунига асосан давлатимизда инсон манфаатлари устувор бўлиб, уларни қатъий таъминлаш сиёсатимизда муҳим ўрин тутаяди. Бу конституциявий қонунларнинг аҳамияти шундаки, ҳуқуқий демократик давлат қураётган Ўзбекистоннинг қонуний чикарувчи органи ҳисобланган Олий Мажлис органи инсон ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланган, умумэтироф этилган халқро ҳуқуқ нормалари талабларига мос меъерий ҳужжатларини қабул қилади.

Мамлакатимизда суд тизими ислохотлари соҳасиди ҳам кўплаб ишлар қилинмоқда. Юртбошимиз айтганидек: "Халқ судини фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиш керак".

Нилуфар МИРЗАЕВА, вилоят давлат педагогика институтиди 2-курс талабаси.



## ЭЗГУЛИК МАСКАНИ, ТАРБИЯ ЎЧОГИ

Халқимизнинг ўзигагина хос бетакор фазилатлари, қадриятлари бисёр. Миллий гурур, ўзлик, эзгулик, баярикенглик, олижаноблик каби ҳислатлар шаклландиган маҳалла, жамоа шубҳасиз, тарбия ўчоғидир.

Бахтимиз қомуси – Конституциянинг 105-моддасида маҳаллаларга "фуқаролар йиғинлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари..." дея таъриф берилиши ҳам

бежиз эмас. Маҳалла фаолияти давлат ва жамят қурилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган жараёндр. Давлатимиз юксак ишонч билдириб, кенг

фаолият йўлини очиб берганлиги маҳаллалар зиммасига улкан масъулият юклайди, – дейди "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бошқаруви раиси Суяр Қурбонқуллов. – Шу босис, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар

руҳида тарбиялаш, Ватан, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби қадриятларни шакллантиришда муҳим омил бўлган маънавий-маърифий тадбирларга алоҳиди эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: танлов ғолиблари. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

## ЯНГИ ФАН ОЙЛИГИ

Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 11 сентябрдаги "Умумтаълим муассасаларида фан ойларидаги ўтказиш тўғрисида"ги буйруғига асосан, декабрь ойи "Миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи фанлар ойлиги" деб эълон қилинди.

Умумтаълим мактабларида Миллий истиқлол ғояси ва Ватан туйғуси фанининг мазмун-моҳиятини ўқувчига татбиқ этиш мақсадида ойллик давомида замонавий педагогик технологиялар асосида оқич дарслар, маънавий-маърифий тад-

бирлар ўтказиш бошланади. Тадбирларда ўқувчиларга миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқуранинг ўзига хос тамойиллари ва тушунчалари содда усулда етказилиб берилаяпти. Шунингдек, ойллик давомида болаларнинг нутқини ўстириш, жамоат ишларида фаоллигини ошириш ҳам кўзда тутилган.

"Туркистон-пресс".

## БАЙРАМ БАҲОНА ТИББИЙ КҮРИК

"Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси вилоят бўлими 8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлов жойларда кенг аҳоли қатламлари билан учрашувлар ташкил этмоқда.

Жумладан, Зангиота туманидаги вилоят Сил касаллиги диспансерида тадбир ташкил этилиб, 185 беморга бепул дори-дармонлар тақдим этилди. Шунингдек, тумандаги ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежиди ҳам ОИТСнинг олдини олиш мавзусида учрашув ўтказилди. Тадбир доирасида коллежда тахсил олаётган 230 талаба тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бундан ташқари, Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйи ходимлари билан ҳамкорликда уюштирилган "Конституция кечаси" ҳам мазмунли ўтди.

Саид АСКАРОВ.

## БАХТИМИЗ КАФОЛАТИ

Чирчиқ шаҳар зобитлар уйда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш" ҳақидаги Фармони ижроси доирасида Адлия вазирлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Иштирокчилар Асосий қонунимизда белгиланган қўрилган юксак инсонларнинг қадриятларини, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва роли ҳақида қизикарли маърузалар тинглашди. Байрамона руҳда ўтган учрашув мароқли сўхбат ва мунозараларга бой бўлди.

Саида РАҲМОНОВА.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – ЮКСАЛИШ ҚАНОТИ

Бугун қайси қишлоқ ёки шаҳарчага борманг, бирор замонавий ишлаб чиқариш қуввати ёки чорроқ хусусий корхона, маданий-маърифий хизмат кўрсатиш шахобчаси барпо этилаётганига кўзингиз тушади. Бунёдкорлик кўлами йил сайин кенгайиб бораётганлиги қувонарли албатта. Уй-жой қурилиши бу жараёнда тобора салмоқли ўрин эгаллаб бораёпти.

Табиики, бу сай-ҳаракатлар сифатли ва арзон қилиш ашёларига эҳтиёжни қучайтиришда Республика Президентининг "Деворбоб материаллар ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш рағбатлантириш ва сифатли ишлаб чиқариш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу долзарб муаммони бартараф этиш йўллари билан белги берди.

Бу муҳим ҳужжат қабул қилинганидан бундан ун етти ой ўтди. Ҳўш, унда белгиланган имтиёзлар, тадбирлар қандай самара бераёпти? Эндиликда замонавий технологиялар асосида пишган гишт ишлаб чиқараётган корхоналар ягона ижтимоий солиқдан ташқа-

ри барча солиқ ва давлат бюджетига тўловлардан озод этилганлиги ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришда. Ҳозирги пайтда модернизация дастури бўйича янги технологияларнинг жорий этган 42 та корхона табиий газдан имтиёзли фойдаланмоқда. Шундай корхоналарнинг 18 тасига йилнинг биринчи чорагидаёқ солиқдан жами 153 миллион сўмлик имтиёз берилди. Бу маблағлар асосан ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, янги иш ўринлари барпо этишга йўналтирилаётганлиги диққатга сазовор.

Қарорда кўзда тутилган чора-тадбир ва имтиёзлар тадбиркорларга қанот ба-

ғишлади. Пишиқ гишт ва бошқа деворбоб материаллар ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, уларнинг сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтаришда ҳозирданок салмоқли натижаларга эришилди.

2009-2011 йилларда пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи янги ва замонавий қувватларни барпо этиш дастури, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналаридаги но-стандарт ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз хумдонларни модернизациялаш, махсус тежамкор ва юқори самарали хумдонлар билан алмаштиришга оид кўрсатмалар жадал бажариляпти. Бу ишлар ёқилги ресурслари тежаллаштиришга ва аҳоли эҳтиёжини унун сифатли ва арзон деворбоб материаллар етказиб беришни қўлайлаштиришга олиб келаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 12-27 ноябрь кунлари бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди. Халқро Олимпия кўмитаси ва Осиё Олимпия кенгаши шафелигида замонавий олимпия ҳаракатининг "Бирдамлик, тинчлик, дўстлик" анъанаси асосида ўтказилган бу йилги спорт анжумани Осиё ўйинлари тарихидаги энг йирик мамлакатидан ун минг нафардан зиёд атлет спортнинг 42 тури бўйича 476 медаллар жамланмиси учун беллашди.

## ОСИЁ ЎЙИНИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Гуанчжоуда 224 нафар ҳамюртимиз спортнинг 29 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Ўзбекистон спорт делегацияси таркиби асосини мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли узлуқсиз спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада мусобақаларида кашф этилган ва халқро майдонда юртимиз байрогини балан кўтариб келаятган навқирон ва забардаст спортчилар ташкил этди.

Ўзбекистон спортчиларининг китъамизнинг энг нуфузли мусобақасида муваффақиятли қатнашганда Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2009 йил 5 ян-

варда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буёқ Британия) да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпия ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли дастурга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш, тажриба ва маҳоратини оширишга, халқро мусобақаларга пухта тайёргарлик қилиши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча қулай шарт-шароит яратилган.

"Осиё ўйинлари – 2010" спорт мусобақаларида икки йилдан сўнг бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шаънини ҳимоя қиладиган спортчиларимизнинг имконияти ва салоҳияти синовдан ўтказилди. Гуанчжоуда қайд этилган натижалар ўзбекистонлик мурраббийлар ва мутахассислар спортчиларни Олимпиадага тайёрлашни тўғри йўлга қўйганини кўрсатди. Осиё ўйинларида шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилган ун бир атлетимиздан ун нафари олимпия спорт турлари бўйича беллашуларда зафар кучди.

Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобида Осиё ўйинларининг биринчи олтин

медалини дуюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров тақдим этди. Спорт оламнинг барча нуфузли мусобақалари – Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида соврилди ўринларни эгаллаган Ришод бугун мамлакатимизда камол топаётган ёш спортчилар учун намуна бўлмоқда.

Эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуровнинг натижалари эса китъамизнинг кўпга спортчилари учун орузга айланди. Моҳир полвинимиз фаолияти давомида кетма-кет учинчи мартаба Осиё ўйинлари шохсупанинг энг юқори погонасини забт этди.

(Давоми 4-бетда).

## 3 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

Инсонпарварлик тамойили устувор бўлган мамлакатимизда ҳар бир киши давлат ҳимояси ва муҳофазасида эканлиги Ўзбекистон Конституциясида қайд этилган. Эътиборга, ҳимояга муҳтожлар, айниқса, ноги-

ронларга бўлган муносабат кундалик сай-ҳаракатларимизнинг мазмунини ташкил этиши ҳам бежиз эмас. Вилоятимизда бу борадаги ишлар кенг кўлабда амалга оширилмоқда.

## МЕҲР ҚОЛУР

Вилоят ҳокимининг Халқро ногиронлар кунини жойларда кенг нишонлаш тўғрисидаги фармойиши фикримизнинг яққол далилидир. Унга кўра вилоятда истиқомат қиладиган ногиронларни, шу жумладан кўзи ожизларни моддий, ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда

республика Президентининг ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада куч-

чайтириш ҳақидаги кўрсатмалари ижросини таъминлаш мақсадида "Меҳр қолур" деб номланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра Халқро ноги-

ронлар кунини кенг нишонлаш, байрам тадбирларига ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кўзи ожизларни тақриф этиш,

кабрга қадар "Меҳр-шафқат" марафонини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва барча корхона ва ташкилотларнинг тадбирлари фаол қатнашишига кўзда тутилган. "Меҳр-шафқат" марафонидан тушган маблағ вилоятдаги муҳтож оила-ларни қўллаб-қувватлашга, ногиронларни дори-дармон, уйда таълим олаётган ногирон болаларни компьютер, ўқув қуроллари билан таъминлашга сарфланади.

Сайёра ЭШМАТОВА.

2011 йил учун

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ  
газетасининг индекси – 205.

## ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАНЛАЙДИ

1 декабрь – Халқро ОИТСга қарши курашиш кунини муносабати билан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ҳамкорлигида Янгийўл шаҳар академик лицейида профилактик тадбир бўлиб ўтди. Унда Янгийўл шаҳри ва туманида фаолият юритаётган касб-хунар коллежи ўқувчилари иштирок этишди.

"Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди" мавзусида ўтказилган давра сўхбати ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада қучайтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний соғлом ва уйғун ёшларни камол топтириш, ОИТС профилактикаси масалалари бўйича тушунтириш ишларини олиб боришга бағишланди.

Учрашув давомида соҳа мутахассислари томонидан тайёрланган "Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди" мавзусида видеоролик намойиш этилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар олдилар.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

ОЛИМЛАР МУЛОҚОТИ

Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўзбекистонлик ва япониялик археолог, тарихчи, санъатшунос олимлар иштирокида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш жараёнида уларнинг Ватан тарихини пухта ўрганиши учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қадимий шаҳарларимизни атрофлича тадқиқ этишда хорижий олимлар ва экспертларнинг ҳам катта қизиқиши ва иштиёқи билан иштирок этаётгани илм-фан, маданият ва санъат соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда.

Анжуманда тарихий-маданий меросни ўрганиш, тарғиб этиш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид маърузалар тингланди. Ушбу соҳага доир халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш ва мустаҳкамлашнинг истиқболлари белгилаб олинди.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ҳар йили "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шiori остида "Менинг маҳаллам тарихи" кўрик-танловини ўтказиш маҳаллалар фаолиятига жўшқинлик, ёшларимизга ғайрат-шижоат бағишлётганини таъкидлаш жоиз.

Баркамол авлод йилида бу танловда иштирок этаётган вилоятимиз ёшлари 8 мингдан ошиб кетди. Танловнинг шахар,



"МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ ТАРИХИ" КҮРИК-ТАНЛОВИ

ЭЗГУЛИК МАСКАНИ, ТАРБИЯ ҲОҶОФИ



туман ва ҳудудий босқичларида муваффақиятли иштирок этган Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота, Оққўрғон туманлари ёшлари вилоят босқичида куч синашди. Ўз маҳалласи тарихини, мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик ишларини ҳар бир чикишларида маҳорат билан кўрсата олган Чирчиқ шаҳар "Ифтихор" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Баркамол авлод"

жамоаси кўрик-танлов голиби дея эътироф этилди. Маҳалла маслаҳатчиси, "Камолот" етакчиси ва 7-умумтаълим мактабининг билимдон, зукко ўқувчиларидан иборат бу жамоа навбатдаги танлов – республика босқичида ҳам вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қила олишига ишонч билдирилди. Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТААРДА: танлов қизиқари ўтди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ҚАРОР ВА ИЖРО

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ — ЮКСАЛИШ ҚАНОТИ

Шуни айтиш кифояки, тармоқда ўсиш суръати кўтарилиб, 110,7 фоизни таъмин этди. Бунда 11 та корхонада дастур доирасида янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилган муҳим аҳамиятга эга бўлди. Модернизациялаш дастури асосида 1,1 миллиард сўм ва 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўзлаштирилди. Чунончи, Юқоричирчиқ туманидаги "Трехгорка Керамика" масъуляти чекланган жамияти тижорат банкларида 85 миллион сўм, Паркент туманидаги "Азия керамика строй" масъуляти чекланган жамият 761 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Натижада ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

Вилоят ҳудудий инвестиция дастури доирасида пишган ва рангли гишт, бетон плита, сэндивч панеллари, гипсокартон ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга доир 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ҳолатлар 20 миллион АҚШ доллари сарфланади.

Юқоричирчиқ туманидаги "SERVIS-TIJORAT" корхонасида янги ва замонавий полиуретанли сэндивч панеллар ишлаб чиқариш қуввати жадал барпо этилмоқда. Умумий қиймати 1 миллион 200 минг АҚШ долларини ташкил этувчи бу лойиҳани амалга ошириш жараёнида ҳозиргача 773 минг доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Шунингдек, "Азия Гранд Корпорейшн" қўшма корхонасида тўридан-тўри киритилган 350 минг долларлик хорижий сармоя тўлиқ ўзлаштирилиб, гипсокартон ишлаб чиқарувчи янги қув-

ват барпо этилди.

Республика Президенти қарорини амалга ошириш юзасидан кўзда тутилган чора-тадбирларда пишган гишт ишлаб чиқаришни табиий газга муқобил бўлган ёқилгиларга ўтказиш алоҳида ўрин тутди. Шу мақсадда юқори кукунли кўмирдан фойдаланиш имкониятлари алоҳида ўрганиб чиқилди. Соҳа мутахассислари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида бу усулнинг афзалликлари кенг тарғиб қилиниши ўз самарасини бера бошлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ишлаб чиқаришда юқори кукунли кўмирдан фойдаланиш натижасида ҳар минг донга пишган гишт ишлаб чиқаришда табиий газ сарфи 26 фоизга камайишига эришилмоқда.

Лекин, Бўстонлик ва Паркент туманларида дастурда белгиланган вазифалар ва ҳудудий лойиҳаларнинг амалга оширилиши сунг бормоқда, бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу ҳолатлар Халқ депутатлари вилоят кенгашининг sanoat, transport, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия ўз ражасини ҳам вақтида бажармай, эътиборсиз қолдирган.

Ачинарлиси шундаки, бир қатор шахар ва туман ҳокимликлари Президент қарори бўйича ўзлари тасдиқлаган дастурлар ижроси билан изчил шугулланмапти. Натижада корхоналарда янги технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишлари ақунланмай қолмоқда.

Оққўрғон туманидаги "Имон" ва "Бўстон" хусусий фирмалари, Пискент туманидаги "Бобур", "Ёқуббек" ва "Нодиржон" хусусий корхоналари, Чиноз туманидаги "Эски Тошкент керамзит шағал", Оханга-

рон шахридаги "АСТЕН МАРТИН СЕРВИС" масъуляти чекланган жамиятида дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш шу тарихга оқсимоқда.

Доимий комиссия мажлисида бундай камчиликлар рўй бераётганлигининг асосий сабаблари ҳақида ҳам рўй-рост гапирилди. Жумладан, тижорат банклари деворбоп материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга белгиланган миқдорлардаги имтиёзли кредитларни вақтида ажратмаётди. Ахир, ҳисобот даврида вилоят тижорат банклари 4,2 миллиард ўрunga атиги 846 миллион сўм имтиёзли кредит ажратганини яна қандай баҳолаш мумкин?

Кўриниб турибдики, деворбоп материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда қувватларни янгилаш, замонавий технологияларга ўтиш дастурини амалга оширишда сустхалликка йўл қўйилмапти. Вақт эса ўтиб бормоқда. Дастур вазибаларини тўлиқ амалга ошириш учун бир йилдан бериоз кўпроқ мўддат қола-япти. Бинобарин, шахар ва туман ҳокимликлари, мутасадди қурилиш ташкилотлари, тегишли корхоналарнинг раҳбарлари соҳада қувватларни модернизациялаш ҳаракатини жадаллаштиришлари керак. Президент қарори ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Фақат шу йўл билан шахар ва қишлоқларда ижтимоий ва уй-жой қурилишини тезлаштириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш режаларини тез ва мукамал амалга ошириш мумкин.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бугунги кунда йўловчи транспорт тизими хусусий секторга кириб келиши соҳада ҳақиқий рақобатчилик муҳитини яратди. Аммо аччиқ бўлса-да, қайд этиш зарурки, ҳеч қандай даромад солиқлари тўламайдиган кимсалар айрим йўналишларни тиркичилик манбаига айлантириб олаётганлиги ташвишли ҳолатдир. Бу албатта қонуний ишлаётган транспорт уюшмаларига солиқ тўловларини амалга оширишда ўз таъсирини кўрсатади.

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ: ФАОЛИЯТИНГИЗ ҚОНУНИЙМИ?

Яқинда шу муаммо юзасидан Янгийўл шахар давлат солиқ идоралари ҳодимлари текширув ўтказди. Шаҳар ҳудудида 9 та транспорт уюшмаси фаолият юритаётган бўлиб, уларга тегишли 385 та автоуловлар аҳолига хизмат кўрсатаётди.

Ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бўлими, давлат солиқ инспекцияси ва йўл ҳаракати хизмати ҳодимлари ҳамкорликда текширувлар ўтказишди. Натижада ноқонуний фаолият кўрсатаётган қатор ҳайдовчи "тадбиркор"лар фаолиятига чек қўйилди. Уларга нисбатан 9 миллион 659,8 минг сўм молиявий санкциялар қўлланилди.

Айни пайтда шу иш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам рейдлар ўтказилаётди. Олимжон ҲАМЗАЕВ, Янгийўл шахар ДСИ бошлиғи.

ЖИДУНЁ

ҚИРҚ ТОННА АЖАЛ УРУФИ

Рио-де-Жанейро полицияси 40 тонна марихуанани кўлга туширди. Гривҳана молдаалар савдосига қарши операция чоғида эришилган бу ютуқ ҳақида AFP агентлиги хабар тарқатди.

Маҳаллий полициячиларнинг гапига кўра, катта ҳажмидаги гривҳанд молда сотиш учун тайёрлаб қўйилган эди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, операция чоғида 200 килограмм кокаинни ҳам кўлга олишди.

Полициянинг операция муваффақиятли ўтганини таъкидлашига қарамай, оммавий қамоққа олишлар ҳақида хабарлар тарқатилмади. Ҳокимиятнинг бундай операциялардан мақсади 2014 йили футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати арасидаги уюшган жиноятчиликни махв этишдир. Маълумки, жаҳон чемпионати ҳам, 2016 йили Олимпия ўйинлари ҳам

ЯДРОЧИ ОЛИМ СУИҚАСД ҚУРБОНИ

Техронда физик-ядрочилар бораётган машина портлатиб юборилди. Эронлик физик-ядрочилар ҳалок бўлиши ва унинг ҳамкасблари жароҳатланиши.

Associated Press агентлиги тарқатган хабарга кўра, Техронда портлаш икки жойда содир этилди. Биринчи, олимлар ишга жўнашгаётганда мотоциклчилар ақинлашиб, машинага бомбани маҳкамлаб қўйишди. Портлаш натижасида Маждид Шахриёрий ҳалок бўлди. Иккинчиси, Фарийдун Аббос яраланди. Автобилларда бораётган физикларнинг хотинлари ҳам жабрланишди.

Давлат телевидениеси "сионист тартиби қучлари содир этган террорчилик ҳаракати таниқли профессорларга қаратилган" логини маълум қилди. IRNA агентлиги маълумотларига кўра, Маждид Шахриёрий Техрондаги Бехиштий университети-нинг ядро ишланмалари бўлими муҳандиси эди. Ядро физикаси соҳасида фан доктори бўлган Фарийдун Аббос Эрон мудофаса вазирлигида тадқиқотлар олиб борарди.

НИГОҲ КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС

Аммо Тожикистонда ўз жонига қасд қилишларга сабаб бўлаётир

Тожикистонда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги аниқ. Ҳозир ҳам кўп, агар аҳолининг турмуш даражаси яхши томонга ўзгармаса, бу фожея яна давом этаверади. Ўзини ўлдириш қашшоқлик муаммосини ҳал этишнинг сунгги йўлигина эмас, балки ҳукуматнинг халқ аҳолига бепарволиги, ҳеч қандай чора кўрмаётганига қарши ўзига ҳоқ исбандир. Эро, Тожикистон аҳолиси МДҲ мамлакатлари ичида энг кам иш ҳақида қаноат қилишга, озик-овқат маҳсулотлари ҳамда қундалик турмуш учун зарур воситалар нархи энг қимбатлигига қўниб яшашга мажбур.

Мамлакат президенти Имомали Раҳмоннинг нутқи ва маърузаларининг мазмун-моҳияти ҳақида, хомаҳал. Аммо ўзини республикада олиб бораётган ижтимоий сиёсат нафақат нотўғри, балки зарарли эканлигини ташвишланиётганда қўлиб кўрсатади. Аслида эса, ноилоҳжлик, эртанги кунга ишонсизлик, пул ва иш ахтариб чарчаган, давлатнинг эъроулини қабил оғир юклардан безор бўлган аҳолини чағлтиришга уринади.

Масалага ойдинлик киритиш учун ўз жонига қасд қилиш кўпроқ Хатлон ва Сўғд вилоятда ўқ бераётган хусусидаги маълумотлар таҳлил қилинса бас. Бу дахшатли статистика ортида фақат ижтимоий эмас, балки ўткир иктисодий муаммолар турибди. Ҳаёт, турмуш билан боғлиқ бу муаммолар айнан шу икки минтақа аҳолисини тобора кучлироқ қўймоқда.

Республика Бош прокуратураси маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг 9 ойида Тожикистонда 435 киши ўзини ўлдирган. 2010 йилнинг 8 ойида бу аянчи ракам 450 тага етди. Бош прокуратуранинг тасдиғига кўра, ўз жонига қасд қилганларнинг 320 нафари ишсизлик балосидан қутилишига ўзга

чорасини тополмагандир. Бирок, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига келтирилишича, ўзини ўлдирганларнинг фақат 7 фоизи жароҳлик соҳасида ётирилган (ёриб), тиббий текширувдан ўтказилиши эътиборга олинмаган бўлса, Тожикистоннинг расмий доиралари берган маълумотлар тўғрисида: Одатда, ўзини ўлдирганларнинг қариндош-уруғлари яқинларининг ўлиб ҳам қутулмай, "хатта тушиш"ни истамай, воқеани яширишга уринадилар. Бу эса, ўз жонига қасд қилиш кўламани тўғри аниқлаш ва баҳолаш имкониятини йўққа чиқарибгина қолмай, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларига ҳам жуда қўл келади. Чунки, бу соҳа мансабдорлари ўзини ўлдириш билан боғлиқ ҳар бир ҳодисани алоҳида тергов қилишлари ва бу ишда жиноят излари борлиғи аниқланса, марҳумини жонидан тўйдирган айбдор шахслар устидан жинойий иш қўзғаш-пул ва иш ахтариб чарчаган, давлатнинг эъроулини қабил оғир юклардан безор бўлган аҳолини чағлтиришга уринади.

Масалага ойдинлик киритиш учун ўз жонига қасд қилиш кўпроқ Хатлон ва Сўғд вилоятда ўқ бераётган хусусидаги маълумотлар таҳлил қилинса бас. Бу дахшатли статистика ортида фақат ижтимоий эмас, балки ўткир иктисодий муаммолар турибди. Ҳаёт, турмуш билан боғлиқ бу муаммолар айнан шу икки минтақа аҳолисини тобора кучлироқ қўймоқда.

Республика Бош прокуратураси маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг 9 ойида Тожикистонда 435 киши ўзини ўлдирган. 2010 йилнинг 8 ойида бу аянчи ракам 450 тага етди. Бош прокуратуранинг тасдиғига кўра, ўз жонига қасд қилганларнинг 320 нафари ишсизлик балосидан қутилишига ўзга

Аммо, статистика фақат бу дунёдан ўз хоҳишлари билан кетаётганларнинг тобора кўпаяётгани билангина дахшатли туш олаётгани йўқ. Бу руйхатни рўзгор ва яшаш қийинчиликларида тўйиб кетган эркаклар ва ҳатто, болалар тўлдирмоқдалар.

Турли маълумотлар бўйича ҳозир республикада 5 миллион киши ёки бутун аҳолининг 70 фоизи камбағалликда яшашмоқда. Экспертлар тобора қучурашиб бораётган қашшоқликнинг, бинорин, ўзини ўлдиришнинг ҳам энг асосий сабабларидан бири сифатида оммавий ишсизликни кўрсатишмоқда. Олимларнинг тасдиқлашларига қараганда, ишсизлик 1

фоизга кўпайганда ўз жонига қасд қилиш 4,1 фоизга, маҳбуслар эса 5,7 фоизга ортар экан.

Бу маълумотларга ишонмасликнинг иложи йўқ. Эро, ўларнинг кўп болали оилаларини аглаб боқиб эркаклар учун кун сайин қийинлашиб бораёпти. Тожики оилалари ўртача 7 аъзодан иборат. Бунга пул ишлаб келиш илминда чет элларга йўл олган ака-ука ва қариндошларининг оилалари боқини ҳам қўлиш керак. Қўнчилик бунинг улдасидан чиқолмапти. Оқибат эса аён – бу оғир ва адоғи йўқ азоблардан биринчи кутулиб қўя қолиш!

Қўлаб болаларнинг ҳам ўз жонларига қасд қилишларига айнан шу камбағаллик ва қашшоқлик сабаб бўла-япти. Уст-бошлари юлун, қўллари пул кўрмаслиғи, бинобарин, ўқув қуроллари йўқлиғи учун мактабда масҳара қилиниб, ҳўрланаётган ўғил-қизлар ҳаёт билан эртан видолашишга жазм этмоқдалар. Ишонинг, вазият мамлакат раҳбарлари қулониғизга қўйишга уринаётганидек, ҳазил қиладиган даражада эмас.

Шуни айтиш кифояки, Душанбе прокуратураси шахардаги бешта мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказган аноним сўровлар натижаларига кўра, фақат 14 фоиз ўқувчи ўзини ўлдириш мушкул вазиятдан қийинчилик нотўғри йўли ва ҳатто, катта гуноҳ эканлигини таъкидлади. 4 фоиз ўқувчи ўз жонига қасд қилишга мажбур этган одамлар, албатта, жазоланиши керак, деб ҳисоблайди. Сўровнинг энг дахшатли "қашфиёт"и шу бўлдики, тадбирда қатнашган қар йигирма ўқувчининг бири ўзини ўлдириш ҳақида ўйлаб қўрган ва ҳатто, режа ҳам қилган.

Сўхроб ШАБОЗОВ, centrasia.ru.

ИРЛАНДИЯГА МОДДИЙ ЁРДАМ

Европа Иттифоқи Ирландияга 67,5 миллиард евро миқдорда молиявий ёрдам ажратибди.

Associated Press агентлиги билдирган фикрга кўра, Европа Иттифоқи аъзолари бўлган давлатлар молия вазирларининг шешилинч учрашувида шундай қарорга келинди. Ирландия бош вазири Брайен Коуэннинг айтишича, ЕИ ажратган ёрдам маблағининг 10 миллиард евро сизудлик билан давлат қўмақлашаётган банкларнинг захира капиталларини қўпайтиришга йўналтирилади. Яна 25 миллиард банкларга ёрдамлаштириш мақсадида захирага сақлаб қўйилади. Ирландия қолган ёрдам маблағини яқин тўрт йил давомида бюджет камомадини ёпишга сарфламоқчи.

Ирландия 2010 йилда мамлакат банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан қарз олиш ҳажмини кескин оширишга мажбур бўлган эди. Натижада бюджет камомоди тахминларга кўра ЕИ давлатлари учун энг рекорд даража – 32 фоизга етди.

24 ноябрда Ирландия ҳукумати бюджет камомадини яқин 4 йил ичида 15 миллиард еврога қисқартиришга қаратилган чораларни эълон қилди.

Асад АБДУСАТТОРОВ, Қўйичирчиқ тумани агроиктисодий коллежи рўхшуниси.



МЕТРО ХОДИМЛАРИ ИШ ТАШЛАШДИ

Лондон метрополитени хизматчилари ўтган яшанба кuni кечқурундан бошлаб 24 соатлик иш ташлаш тадбирини ўтказишди.

BBC News агентлигининг берган хабарига кўра, тадбирда иккита йирик транспорт қасаба уюшмалари фаоллари иштирок этди. Маълумотларга қараганда, иш ташлашга қатнашган ходимлар 10 мингдан ошган. Натижада дунёдаги энг "кекса" метронинг 77 та бекати тўла берилтиди.

Лондон давлат транспорт компаниясининг хабар беришича, иш ташлаш вақтида 100 дан зиёд қўшимча автобус йўналишлари ташкил этилди.

Бу 2010 йилнинг августидан буюн уюштирилган тўртинчи иш ташлашдир. Шу чорани қўллашни ташкилот раҳбарияти талаб қилапти. Эро, бу Лондон метросининг 800 нафар қасирининг ишдан бўшатилишига қарши норозилик акциясидир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

1 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ ҚУНИ

МАЪРИФАТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ҳаётда шундай касалликлар борки, улар нафақат бир кишига, балки ижтимоий ҳаётга ҳам таъсир ўтказишади. Уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсирини дароҳаси жамият ва инсонларга етказадиган маънавий ва моддий зарари билан ўлчанади. Шундай касалликлардан бири – ОИТС бўлиб, у илк аниқланганидан буюн дунё миқёсида неча миллионлаб кишиларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлди.

Касалликнинг энг хатарли жиҳати шуки, у тўғридан-тўғри саломатлигига жиддий ҳавф ва соғлом наслнинг бардоломлигига ҳам раҳна солади. Шу маънода, соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор – жамиятнинг ҳар бир бўғинига бўлган гамхўр-

лик, тарбиясизлик ва илмсизлик туришини бугунги кунда бир-бирига узвий боғлиқ. Жисмонан тетик боланинг ақлий ривожланиши яхши бўлиши ҳеч қимга сир эмас. Таълим муассасаларида болаларни рационал овқатлантириш ҳақидаги ҳукмат қарорини ҳам фикримиз тасдиғидир.

Шунингдек, ўсиб келаётган фарзандларни турли касалликлардан асрашга оид тарғибот-ташвиқот ҳам ўз самарасини бермоқда. ОИВ, ОИТС каби хасталиқлар келиб чиқиши ва тарқалиши негизда маънавий ноқис-

ри иштирокида ўтказиладиган учрашувларнинг ёшлар тарбиясида тугган ўрни катта.

Мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшларга умри ва фаолияти учун хатарли бўлган касалликлар ҳақида тушунарли бериш ОИВ, ОИТС каби касалликларга қарши кураш воситаларидан бири ҳисобланади. Эро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ энг одил ва тўғри йўлдир.

Асад АБДУСАТТОРОВ, Қўйичирчиқ тумани агроиктисодий коллежи рўхшуниси.

# МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ – БАНК САЛОҲИЯТИ



Тошкент вилоят аҳолиси ва хўжалик юритувчи субъектларига қулайлик яратиш мақсадида "Ипотека-банк" АТИБ Тошкент вилоят филиаллари томонидан ҳудудда барча турдаги сифатли банк хизматларини кўрсатиш ташкил этилган. Жумладан, "Ипотека-банк" АТИБ Тошкент вилоят филиалларида банк ми- жозлари, жумладан, кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларга барча турдаги кредитларни ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш, аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатиш кенг йўлга қўйилган.

### Кичик бизнес субъектларига ажратиладиган асосий кредитлар ва кўрсатиладиган лизинг хизматлари

Лизинг хизмати	
Лизинг миқдори	10 000 АҚШ доллари сўм эквиваленти- дан кам бўлмаган миқдорда
Фоиз ставкаси	Йиллик 18-24 фоиз (лизинг қолдиқ қийматига ҳисобланади)
Аванс тўлови	20-50 фоизгача
Қўшимча таъминот	Кўчмас ва кўчар мулклар, молиявий барқарор учинчи шахс кафиллиги, пул маблағлари, банк кафолати ва сугурта компанияларининг лизинг тўловларини қайтасмаслик хатари сугурта полиси
Кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш	
Микрокредит миқдори	Энг кам ойлик иш ҳақининг 1 000 бараваригача
Фоиз ставкаси	Йиллик 14-22 фоиз (ёш оилалар учун – йиллик 14 фоиз)
